


## VI. КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, уларни эркин фаолият юритиши учун қулай шароит ва муҳит яратиш борасида амалга оширилаётган тадбирлар давомида 2020 йил 1 июль ҳолатига рўйхатга олинган жами кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг сони 24 770 тани ташкил қилди. (2019 йил 1 июлга нисбатан 123,2% га кўпдир).

**Янги ташкил этилган кичик бизнес субъектлари сонининг  
2020 йил 1 июль ҳолатига иқтисодий фаолият  
турлари бўйича тақсимланиши  
(жамига нисбатан фоизда)**



Энг кўп кичик бизнес субъектлари савдо тармоғида (жами ташкил этилган субъектларнинг 39,8%и), саноат соҳасида (22,5%), қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида (16,3%) ва қурилишда (8,5%) ташкил этилган.


## Худудлар бўйича янги ташкил топган кичик корхона ва микрофирмалар

	2019 йил январь-июнь	2020 йил январь-июнь
<b>Вилоят жами</b>	<b>3 444</b>	<b>3 184</b>
Наманган шаҳар	967	648
Мингбулоқ	163	214
Косонсой	239	205
<b>Наманган</b>	<b>209</b>	<b>276</b>
Норин	205	195
Поп	294	327
Тўрақўргон	207	257
Уйчи	252	260
Учқўрғон	259	182
Чортоқ	178	183
Чуст	296	243
<b>Янгиқўргон</b>	<b>175</b>	<b>194</b>

2020 йилнинг январь-июнь ойларида янги ташкил топган кичик корхона ва микрофирмалар худудлар бўйича энг кўп Наманган шаҳрида – 648 та, Поп туманида – 327 та, Наманган туманида – 276 та, Уйчи туманида – 260 та, Тўрақўргон тумани – 257 та, Чуст туманида – 243 та, Мингбулоқ тумани – 214 та, Косонсой туманида – 205 та, Норин туманида – 195 та, Чортоқ ва Янгиқўргон таманларида бу кўрсаткич ўрта даражада бўлиб, 183 – 194 тани ташкил этган. Энг паст кўрсаткич Учқўрғон туманида – 182 тани ташкил этди.



## 2020 йил январь-июнь ойларида янги ташкил топган кичик корхона ва микрофирмаларнинг ҳудудлар бўйича улуши, фоизда




2020 йил январь-июнь ҳолатига ҳудудлар бўйича янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмаларнинг жами миқдоридан энг кўп улуш Наманган шаҳри - 20,4 %, Поп тумани - 10,3 %, Наманган тумани - 8,7 %, Уйчи тумани - 8,2 %, Тўракўргон тумани – 8,1%, Чуст тумани - 7,6 %, Мингбулоқ тумани – 6,7% ва Косонсой тумани - 6,4 % ни ташкил этди.

2020 йил январь-июнь ойларида ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 69,4%и (2019 йил январь-июнда 72,9%) кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилди.

Кичик бизнес субъектлари томонидан 119,5 млн.АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 78,0 %и) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди, 153,3 млн.АҚШ доллари (умумий импорт ҳажмининг 71,8%и) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) импорт қилинди.

**Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг  
иқтисодиётдаги улуши**  
(январь-июнь ойлари ҳолатига, фоизда)



**Кичик тадбиркорлик субъектлари (иш, хизмат) ҳажми  
(2020 йил январь-июнь)**

	<i>Кичик тадбиркорлик субъектлари (иш, хизмат) ҳажми, млрд.сўм</i>	<i>Жами ҳажмга нисбатан улуши, % да</i>
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	6631,3	97,3
Саноат	2061,5	43,7
Қурилиш	1640,7	86,3
Чакана савдо	5017,5	90,0
Юк ташиш, млн. тн.	11,7	95,0
Йўловчи ташиш, млн.киши	198,7	98,5

**2020 йил январь-июнида кичик тадбиркорликнинг  
худудлар кесимида иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши,  
(фоизда)**

	<b>Саноат</b>	<b>Қурилиш</b>	<b>Хизматлар</b>	<b>инвестициялар</b>
<b>Вилоят жами</b>	<b>43,7</b>	<b>86,3</b>	<b>64,0</b>	<b>72,7</b>
Наманган шаҳар	56,7	64,3	32,2	68,0
Мингбулоқ	10,5	100,0	95,6	59,1
Косонсой	98,4	100,0	95,1	95,9
Наманган туман	40,7	100,0	95,4	74,1
Норин	21,4	100,0	94,9	90,8
Поп	47,7	70,4	83,7	65,8
Тўракўрғон	16,6	100,0	83,6	40,9
Уйчи	51,9	97,5	97,6	91,7
Учқўрғон	18,4	100,0	94,5	94,7
Чорток	100,0	96,1	95,0	84,5
Чуст	64,3	100,0	93,3	94,0
Янгиқўрғон	100,0	100,0	97,9	94,0

Худудлар бўйича саноат соҳасининг юқори улушини Чорток ва Янгиқўрғон туманлари (100,0 %) ҳамда Косонсой (98,4 %) туманлари ташкил этди.

Қурилишда - Мингбулоқ, Косонсой, Наманган тумани , Норин, Тўракўрғон, Учқўрғон, Чуст ва Янгиқўрғон 100,0 %, Уйчи 97,5%, Чорток 96,1% , Поп 70,4 % ва Наманган шаҳар 64,3 % туманлари ташкил этди.

Хизматлар соҳасида – Янгиқўрғон (97,9 %), Уйчи (97,6%), Мингбулоқ (95,6 %) Наманган туман (95,4 %), Чорток (95,0 %), Норин (94,9 %), Учқўрғон (94,5 %), Чуст (93,3 %), туманлари ташкил этди.

Инвестицияда – Косонсой (95,9 %), Учқўрғон (94,7 %), Чуст ва Янгиқўрғон туманлари (94,0%), Уйчи (91,7 %), Норин (90,8 %), Чорток (84,5%) туманлари ташкил этди.